# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 25-MAY, JUMA, 62 (7987) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




**Аҳоли фаровонлигини, эл дастурхони тўкинлигини таъминлашда томорқа муҳим манбадир. Албатта, бунда томорқачиларга яратилаётган шароитни ҳам эътиборга олиш зарур. Жумладан, томорқа хўжаликлари учун минерал ўғит етказиб беришнинг кенг йўлга қўйилганлиги яхши самара бераётир. Буни Тошкент вилояти «Қишлоқхўжаликкимё» ҲОАЖ қошидаги «Туябўғиз кимё» шўъба корхонаси махсус базаси томонидан амалга оширилаётган ишларда ҳам кўриш мумкин.** 2



**Бу йилги баҳор нурободлик чўпонларга хурсандчилик олиб келган бўлса, ажабмас. Яйловларда ўт-ўлан кўп бўлди. Қобил аканинг отари ҳам қўзилатиш мавсумидан кейин икки баробарга ортди. Ҳар юз бош совлиқдан юз бош соғлом қўзи олган тажрибали чўпон уларнинг барчасини ўстиришга қолдирди.** 3



**Навоий шаҳрида давом этаётган умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари — 2012" спорт ўйинлари финал босқичида енгил атлетика ва сузиш бўйича дастлабки медаллар соҳиблари маълум бўлди. Мусобақалар қизғин давом этмоқда.** 4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## Куннинг муҳим воқеалари

▶ Тошкентда 24 май куни Ўзбекистон ва Хитой ишбилармон доиралари вакилларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Анжуманда икки мамлакат ўртасида иқтисодиёт, сармоя, савдо, логистика, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, автомобилсозлик ва қишлоқ хўжалиги каби соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга, қўшма лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

▶ **Тошкентда «Кинопродюсер-томошабин» мавзуида ижодий учрашув бўлиб ўтди. Унда пойтахтимизда жорий йилнинг кузида бўлиб ўтадиган «Олтин гепард» иккинчи халқаро кинофорумига тайёргарлик ишлари ҳақида атрофлича сўз юритилди.**

▶ Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида автомобиль йўллари тармоғини жаҳон стандартларига мувофиқ такомиллаштириш ва транспорт коммуникацияларини халқаро автомобиль тармоқларига интеграциялаштириш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда мазкур идора раҳбарлари ва мутахассислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

▶ **Термиз шаҳрида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ташкил этилган "Келажак овози – 2012" республика кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.**

Наманган Вилояти




## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ — АМАЛИЙ ИШГА АСОС

***Косонсой туманидаги Кўкимбой қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида ўқувчилар ишлаб чиқаришнинг олти йўналиши бўйича таълим олиб, зарур билим ва касбий кўникмага эга бўлишаётир. Туман машина трактор паркида бўлганимизда тажрибали комбайнчилар билан амалиёт машғулотларини ўтаётган бир гуруҳ ўқувчи-ёшларни учратдик.***

— Яқин кунларда ғалла ўрими бошланади, — дейди туман "Машина-трактор парки" акциядорлик жамияти раиси Муҳаммадкарим Маматқулов. — Ғаллани тез ва нест-нобудсиз йиғиб олиш учун мавжуд 13 та дон ўриш комбайни таъмирдан чиқарилди. Таъмирлаш жараёнларида комбайн операторлари Раҳматилла Саидов, Бахтиёр Эгамбердиев, Абдуҳошим Тўрабоевлар қаторида Кўкимбой қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг бир гуруҳ ўқувчилари ҳам иштирок этишди. Бу эса уларнинг коллежда олган назарий билимларини амалиётда қўллаш имконини яратди. Ишончимиз комил, бу ёшлар орасидан ўз касбининг устаси бўлган оператор ва механизаторлар етишиб чиқади.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ олган сурат.**

Тошкент Вилояти

▼ ТАРАДДУД

## ТЕХНИКА ҒАЛЛА ЎРИМИГА ТАХТ

### ЎРТА ЧИРЧИҚ ТУМАНИ «АВТОТЕХСЕРВИС» МТП КОМБАЙНЧИЛАРИ СИФАТЛИ ТЕХНИК ХИЗМАТЛАРИ БИЛАН ТУМАН ФЕРМЕРЛАРИ ЭЪТИБОРИНИ ҚОЗОНИБ КЕЛМОҚДА

Ўтган йили биринчи марта ғалла ўриш мавсумида қатнашган жамоа комбайнчилари ҳудуддаги дон янчиш ишларини муддатдан аввал сарахжомлаб, қўшни туманларга ҳам ёрдамга ўтишган эди. Бу йил тумандаги 13 минг гектардан зиёд ғаллани ўриб-янчиб бериш бўйича 250 та фермер хўжалиги билан шартнома тузган жамият шу кунгача барча агрегатларни тахт қилиб қўйди.

Мавсумни муваффақиятли ўтказиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра ғалла ўримида турли русумдаги 30 дан зиёд комбайндан фойдаланилади. Ташкил этиладиган 14 та гуруҳга 62 нафар оператор бириктириб қўйилди. Улар сафида ҳар йили давом этиб келаётган "устоз-шогирд" анъаналарига кўра, коллеж битирувчилари ҳам бор. Ўриш техникаларини пухта созлаш учун 100 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Қизғин паллада комбайнлар тўхтаб қолишининг олдини олиш мақсадида 50 миллион сўмлик захира эҳтиёт қисмлари тайёрлаб қўйилди. Агрегатларга техник хизмат кўрсатиш мақсадида 2 та "Дамас" ажратишди.

Мавсум олдидан барча комбайнчиларга бўнак маблағлари берилди. Жамиятда унумли меҳнат қилиш учун лозим бўлган барча шароитлар яратилган.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони муҳим ҳаётбахш ҳужжат бўлди. Ўтган даврда айни шу ҳужжат асосида амалга оширилган ишлар таҳлилида буни янада ёрқин кўриш мумкин.**

## ЕРГА МЕҲР — ЭЛГА МЕҲР

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида ана шу фармон ижроси, ўтган даврда амалга оширилган ишлар сарҳисобига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда вазирлик тизимидаги соҳага тегишли компания, уюшма, бирлашма, корхона ва ташкилотлар ҳамда олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг мутахассислари ва олимлар иштирок этишди.

Таъкидландики, ерларнинг унумдорлигини яхшилаш, экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш — ерларнинг мелиоратив ҳолатига бевосита боғлиқ. Республикамиздаги мавжуд 4,3 миллион гектар суғориладиган майдонларнинг 49 фоиздан ошиғи турли даражада шўрланган. Ушбу ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб бориш ва ер ости сизот сувлари сатҳини меъёр даражасида ушлаб туриш учун 141 минг километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари ҳамда 3474 дона вертикал дренаж қудуқлари ва 123 дона мелиоратив насос станциялари хизмат кўрсатиб келади.

Ўтган даврда 2 минг 619 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари, 40 дона мелиоратив насос станцияси, 1600 дона вертикал дренаж ҳамда кузатув қудуқларини реконструкция қилиш ва қуриш ишлари бажарилди. Шунингдек, жами узунлиги 53,6 минг километр бўлган коллектор-дренаж тармоқлари, 4592 дона вертикал дренаж қудуқлари, 183 дона мелиоратив насос станциялари таъмирланди ва тикланди.

Ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобига "Ўзмелиомашлизинг" компанияси томонидан хорижий ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан 1258 донадан ортиқ мелиоратив техника, машина ва бошқа воситалар харид қилинди.

Энг асосийси, маблағларнинг мақсадли йўналтирилиши натижасида узоқ йиллардан бери фақат режалаштирилаётган, аммо амалга ошириш ёки туғаллашнинг иложи бўлмаётган бир қатор йирик мелиоратив объектлар қурилиши туғалланиб, ишга туширилди. Масалан, Тошкент вилоятидаги "Уртукли" коллектори, Бухоро вилоятидаги Қумсултон пастлигидан Денгизкўл ташламасигача бўлган магистрал коллектор ҳамда "Каттакўл-Гўжайли" магистраль коллекторларининг қурилиш ишлари амалга оширилди.

Охирги тўрт йил давомида республика бўйича 1 миллион 164 минг гектардан ортиқ суғориладиган майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 71 минг гектарга, ер ости сизот сувлари сатҳи 2 метргача бўлган майдонлар 519 минг гектарга камайди. Мелиорация тадбирлари амалга оширилган ҳудудларда пахта ва ғалла экинларидан олинадиган ўртача ҳосилдорлик 2-3 центнергача ошди. Булардан ташқари, ушбу амалга оширилаётган мелиоратив тадбирлар натижасида аҳолининг 100 минг гектардан ортиқ томорқа ерларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Сирасини айтганда, фармон ижроси бўйича амалга оширилаётган ишларнинг пировард натижаси аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, яъни уларнинг даромадини кўпайтириш, турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилаётир.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ**

ПИЛЛАЧИЛИК

## «КУМУШ ТОЛА» — ТАРОЗИДА

Сирдарё Вилояти

**Сирдарё вилояти пиллачилари бу йилги мавсумни уюшқоқлик билан ўтказмоқда. Парваришланаётган 10630 қути ипак қурти учун мустаҳкам озуқа базаси яратилганлиги, пиллачиларнинг ўз вақтида рағбатлантирилганлиги эса "кумуш тола" ижодкорлари ғайратшижоатларини янада оширди.**



Ҳар қути ипак қуртидан ўртача 55-60 килограммдан — жами 585 тонна қимматли пилла топширишни мақсад қилган пиллачилар ҳосилни йиғиб-териш ишларини уюшқоқлик билан бошлаб юбордилар.

Дастлабки ҳосилни топширишга бағишланган қувончли тадбир "Боёвутпилла" масъулияти чекланган жамияти пиллахонасида бўлиб ўтди. Тарозига кетма-кет қўйилган ҳосилни кузатар эканмиз, бу йил пиллачилар ҳосили мўл ва сархил бўлганига тўла ишонч ҳосил қилдик. "Баҳром Валиев" фермер хўжалиги пиллачиси Г.Боқиева, "Кенжабой-Камронбек" фермер хўжалиги пиллачиси К.Яхшибоева, "А.Холиқулов" фермер хўжалиги "кумуш тола" ижодкори F.Эшонқулов, "Ҳожи" фермер хўжалиги пиллачиси З.Ярашевалар тарозига қўйган ҳар қути пилла 55-65 килограммдан тош босди.

— Бу йил 1580 қути ипак қурти уруғидан 87 тонна қимматли хомашё топширишга қарор қилганмиз, — дейди "Боёвутпилла" масъулияти чекланган жамияти раиси Шерзод Мирзаҳамдамов. — Дастлабки куни хирмонга 1,5 тоннадан ошиқ пилла топширилди. Суръат эса кун сайин ошиб бормоқда.

Вилоятнинг Мирзаобод, Сайхунобод, Оқолтин, Сирдарё туманларида ҳам пилла топшириш тезкорлик билан бошлаб юборилди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Жиззах Вилояти

**Арнасой тумани пиллачилари бу йил 874 қути қурт боқиб, 52 тонна сара пилла етказиб бериш аҳди билан меҳнат қилаётирлар. Бунинг устидан чиқиш учун эса улар қуртларни жонлантиришни ҳам, парваришлашни ҳам вилоятда биринчилардан бўлиб бошлаган эдилар. Эрта ҳаракат боис, ҳосилни йиғишни ҳам биринчи бўлиб бошлашди.**



*Пиллахона мудири Алибой Улашев ва туман пиллачилик идораси ҳосилоти Меҳрибон Абдураҳимовалар хомашё сифатини кўздан кечиришмоқда.*

— Биринчи бўлиб "Хоразм" сув истеъмолчилари уюшмасидаги "Душа полвон" фермер хўжалиги пиллачиси Чамангул Туманова пилла келтирган эди, — дейди пиллахона мудири Алибой Улашев. — Уч ярим қути уруғдан шартнома режасидаги 210 килограмм ўрнига 232 килограмм ҳосил топширди. Икки кун ичида "Хоразм"лик пиллачилар шартнома режаларини ошиғи билан бажаришди. Улар эл хирмонига 46 қути ипак қуртидан шартнома режаларидаги 2760 килограмм ўрнига 3100 килограммдан зиёд "кумуш тола" етказиб беришди. Шоҳида Шоқосимова, Қундузой Олимова ва бошқа пиллачилари ҳам хирмонга шартномаларидагидан анча зиёд ҳосил тўкишди. Шу тариқа хирмонимиз кун сайин бўй чўзяпти.

"Хоразм" сув истеъмолчилари уюшмаси заршуносларидан кейин 86 қути қурт боқиб, 5,3 тонна хирмон уюш учун курашаётган "Самарқанд", 90 қути уруғдан 5,6 тонна ҳосил кўтаришга аҳд қилган "Фарғона", 80 қутидан 4,9 тонна хомашё армуғон этмоқчи бўлаётган Улуғбек номли ва бошқа сув истеъмолчилар уюшмалари "кумуш тола" ижодкорлари ҳам марра сари яқинлаб келаётирлар.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Наманган вилояти

▼ ҚИШЛОҚ МУЛКДОРИ

# ФЕРМЕРНИНГ ЁН ДАФТАРЧАСИ

## *Ундаги қайдлар ҳосил тақдирига дахлдор*

**Наманган туманидаги "Ғайратбек-Шуҳратбек" фермер хўжалиги раҳбари Сайдулла Абубакиров билан дала айландик. Яшнаб турган ғўза ниҳолларини, бошоқлари донга тўлаётган ғалла майдонларини кўздан кечирдик. Ғўза қатор ораларида бегона ўт-ўлан кўзга ташланмайди. Ғаллазор шабадада денгиз тўлқинидек мавжланади.**

Фермер ҳар бир майдон бошида тўхтаб, даланинг ҳолати, тупроқ шароити ҳақида батафсил маълумот беради. Ён дафтарчасини олади-да, мазкур ерни қайси куни шудгорланганлиги, экинга қачон маҳаллий ёки минерал ўғит солингани, қай вақтда чигит қадалгани ва қайси куни тупроқдан униб чиққанлигигача бирма-бир айтиб беради. Ҳатто фермер ён дафтарчасида йилма-йил об-ҳаво ҳақидаги маълумотлар ҳам эринмасдан қайд этиб чиқилган.

— Умумий ер майдонимиз 118 гектар, шундан 63 гектарига ғўзанинг "Андижон-35" навини 5 апрелда экишга киришганмиз, — дейди у. — Ҳосилдорликни гектарига ўртача 40 центнер белгилаб, хирмонни 252 тоннага етказишга аҳд қилганмиз. Ўтган йилнинг кузида 55 гектар майдонга буғдойнинг "Таня" навини сепган эдик. Ғалла парваришида барча агротехник қоидаларга қатъий амал қилдик. Белгиланган миқдорда маҳаллий ва минерал ўғитлар солдик, оби-тобида суғордик, бегона ўтлардан тозаладик. Самара эса... Мана ҳар бир буғдой бошоғида ўрта ҳисобда 56 тадан 60 тагача дон бор. Фермер хўжалигимизда 53 нафар киши меҳнат қилади. Уларнинг барчаси ўз ишининг устаси, ҳақиқий деҳқон. Шу боис, улар ҳар қарич ернинг қадрига етади, ерга меҳрини бериб ишлайди. Механизаторлардан Ҳакимжон Қорабоев, Муҳаммаджон Аббосов, Абдумутал Қозоқбоев, сувчилардан Мирзаабдулла Усмонов, Баҳриддин Умаров, Тўлқинбой Носиров, Нурилла Ғаниев, пудратчилардан Зуҳриддин Аҳмедов, Қодирали Сулаймонов, Зилола Ботирова, Муяссар Юнусовалар ана шундай фидойи деҳқонлардан. Аҳил жамоамизнинг бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишлари эвазига ўтган йили ғалладан мўл ҳосил олдик. Пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 44,9 центнерга етказдик. Даромадимиз кўнгилдагидек бўлди. Жорий йилда ҳам яхши ният ва мақсадлар билан меҳнат қиляпмиз.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Самарқанд вилояти

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони том маънода ҳаётбахш ҳужжат бўлди. Фармон ижроси соҳада ижобий ўзгаришларнинг омили бўлмоқда. Ўтган даврда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати тубдан яхшиланди, мелиоратив объектлар таъмирланди, тизимга энг замонавий технологиялар келтирилди. Бу борада Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган ишлар билан танишдик.

# ҲАЁТБАХШ ҲУЖЖАТЛАР ИЖРОСИ —

**ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сувдан оқилона фойдаланиш, пировардида, ҳосилдорликнинг ошишига сабаб бўлмоқда.**

— Вилоятда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди, — дейди Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари Абдумажид Нурқулов. — 2008-2011 йиллар мобайнида жами 2612 километр узунликдаги зовур тармоқларида ўн олти миллиард 926 миллион сўмлик иш бажарилди. Жумладан, 2400 километрдан зиёд узунликдаги зовурларда тизимли таъмирлаш-тиклаш, 208 километр узунликдаги зовурларда реконструкция ва қурилиш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, 10 та мелиоратив тик қудуқлар, 71 та назорат қудуқлари ва 16 километр янги зовурлар қазилди. Жорий йилда ҳам қатъий режа асосида иш олиб боріляпти. Бу борада ўн тўққизта лойиҳа асосида 595 километр узунликдаги зовурларда 4068 миллион сўмлик таъмирлаш ва тиклаш ишлари, 44 километр узунликда эса 4795 миллион сўмлик реконструкция ва қурилиш ишлари бажарилади. Бу эса вилоятдаги тўрт юзга яқин фермер хўжалиги тасарруфидаги 8000 гектардан зиёд суғориладиган майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини беради. Ҳозирда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, зовурларни кўнгилдагидек таъмирлаш ва тозалаш учун вилоят бўйича 27 та замонавий экскаватор тинимсиз ишлаяпти. Айтиш лозимки, бу каби юмушларни амалга оширишда юқори унум билан ишлайдиган техника воситалари алоҳида ўрин тутади. Тизимни замонавий техника воситалари билан таъминлаш мақсадида ихтисослаштирилган "Ўзмелиомашлизинг" давлат лизинг компанияси ташкил қилинганди. Шу компания орқали ўтган даврда вилоятга жами 6842,1 миллион сўмлик етмиш иккита турли русумдаги техника ва ер қазиш механизмлари лизинг асосида келтирилди. Жумладан, 38 та экскаватор, еттита бульдозер, иккита автотягач, еттита трактор (АЗС), иккита автоустахона, тўққизта дала вагонлари шу кабилардир. Жорий йилда ҳам тўртта экскаватор, иккита бульдозер ва бошқа зарур техника воситалари харид қилинади.

Вилоятда ушбу соҳада олиб борилган ишлар натижасида 2008-2011 йилларда 1293 та фермер хўжаликларига қарашли 62128 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бундан ташқари, обиҳаётдан унумли ва режали фойдаланиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бугун жами суғориладиган майдонларнинг 27 фоизи ёки 101 минг гектари насослар ёрдамида суғорилади. Бу эса ҳар бир томчи сувдан оқилона фойдаланишни талаб қилади. Шу боис, вилоятда томчилатиб суғориш технологиясини қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда 2007,3 гектар майдонда томчилатиб суғориш тизими жорий этилган. 2012 йилда 491 гектар майдоннинг суғорилишида ҳам ана шундай тежамкор усулдан фойдаланиш режалаштирилган.

**Акбар ҚАРШИЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

▼ СОЛИҚ

**Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишида хусусий сектор улуши тобора ортиб бормоқда. Тадбиркорларга яратилаётган шароитлар, берилаётган имконият ва енгилликлар, хусусан, солиқ имтиёзлари соҳа ривожини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қиляпти.**

# ТАДБИРКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТИГА ИМТИЁЗЛАР

Таъкидлаш жоизки, юртимизда тадбиркор ва ишбилармонлар томонидан амалга оширилаётган кўплаб истиқболли лойиҳалар ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, мамлакат экспорт имкониятларини янада кенгайтиришнинг янги истиқболларини очиб бермоқда.

Ўтган давр мобайнида Сурхондарё вилоятида ҳам кўплаб янги ишлаб чиқариш тармоқларига асос солиниб, мавжуд саноат корхоналари замонавий технология билан жиҳозланмоқда. Сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашга эришилмоқда.

Олтинсой туманидаги "Aziya-plast Oltinsoy" хусусий корхонасининг иш бошлаганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Корхонада банкдан олинган 50 миллион сўм кредит эвазига Россия технологияси асосида полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айни пайтда бу ерда 7 нафар киши доимий иш билан банд.

— Юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилаётган имтиёз ва қулайликлар туфайли корхонамиз фаолиятини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга эришяпмиз, — дейди корхона раҳбари Муротали Абдуллаев. — Жорий йилнинг шу даврига қадар 24 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга етказдик. Фаолиятни кенгайтиришда Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қўл келмоқда. Мазкур қарорга биноан солиқ тўловларидан 1,2 миллион сўмлик маблағ тежаб қолдик. Ушбу маблағ корхона фаолиятини янада яхшилашга йўналтирилади.

Ҳозирда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ички бозорда талаб катта. Келгусида модернизация ишларини амалга ошириш орқали ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, маҳсулот ҳажмини ошириш ва янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг равнақ топаётганлиги вилоятда янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда халқ фаровонлигининг ошишини таъминламоқда.

**Илёс РАҲМАТОВ,**
**Сурхондарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати бошлиғи.**

Тошкент вилояти

▼ ҚУЛАЙЛИК

# «ТОМОРҚАЧИГА КАМАРБАСТАМИЗ»

**Аҳоли фаровонлигини, эл дастурхони тўкинлигини таъминлашда томорқа муҳим манбадир. Томорқадан унумли фойдаланиб, оиласига даромад олиб кираётган, бозорларни обод этаётган кишилар кўп. Албатта, бунда томорқачиларга яратилаётган шароитни ҳам эътиборга олиш зарур. Жумладан, томорқа хўжаликлари учун минерал ўғит етказиб беришнинг кенг йўлга қўйилганлиги яхши самара бераётир. Буни Тошкент вилояти «Қишлоқхўжаликкимё» ҲОАЖ қошидаги «Туябўғиз кимё» шуъба корхонаси махсус базаси томонидан амалга оширилаётган ишларда ҳам кўриш мумкин.**



Корхона томонидан жойларда минерал ўғитлар ва кимёвий перепаратлар билан савдо қиладиган махсус дўконлар ҳамда автодўконлар ташкил этилган. Вилоят бўйича мавжуд 41 та дўкон, шундан 3 та автодўкон томорқачиларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

— Аҳолининг талаб ва буюртмаларига асосан вилоятнинг исталган ҳудудига минерал ўғитлар етказиб бериш имкониятига эгамиз, — дейди «Туябўғиз кимё» шуъба корхонаси директори Ғуломсадир Очилов. — Ўтган йили деҳқон хўжаликлари ва шахсий томорқа эгаларига улгуржи ва чакана савдо орқали етарли миқдорда минерал ўғитлар сотилди.

Жамоамиз доимо изланишда. Бунинг самараси ўлароқ, қатор қулайликлар яратилмоқда. Жумладан, минерал ўғитларни 3 ва 5 килограммлик целлофан халтачаларга қадоқлаб сотиш йўлга қўйилди.




Жорий йилнинг ўтган даврида 1 565 миллион сўмлик минерал ўғит етказиб берилди. Бу эса аҳолининг томорқаларидан унумли фойдаланиш, пировардида даромадларининг кўпайишига хизмат қилмоқда.

Келажакдаги режалар ҳам бисёр. Жумладан, 2012-2013 йилларда жами 20 та янги чакана савдо дўкони очиш ва 4 та кўчма дўкон учун автоуловлар сотиб олиш режалаштирилган.

Корхонада ишчи-ходимларнинг унумли меҳнат қилишларига ҳам алоҳида эътибор берилиб, зарур шарт-шароитлар яратилган. 2011 йилда қўшимча тармоқ ташкил этилди, яъни 200 бош товуқ боқилиб, 168 килограмм парранда гўшти ва 13 минг дона тухум етиштирилди. У жамоа манфаатига йўналтирилди.

«Туябўғиз кимё» шуъба корхонаси ана шундай ибратли ишларни амалга оширмоқда.

**Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ**
*Р.МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар.*

Жиззах вилояти

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

**Пахтакор туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг ўқув хоналари, 4 та устахона ва иккита лаборатория замонавий ўқув қуроллари, асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.**

Жумладан, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш фани амалиёт хонасида Италиянинг жаҳонга машҳур «ФИАТ» фирмасида ишлаб чиқарилган қарийб 80 миллион сўмлик автомобиль ўқув-амалиёт нусхаси, иш ҳолатидаги ғилдиракли трактор, автомобиль двигатели, автоғилдиракларни демонтаж қилиб, таъмирлашга мўлжалланган дастгоҳ, шиналарга ҳаво берувчи компрессор ва бошқа ускуналар мавжуд.

Айни пайтда коллежда ўқиётган 1066 нафар ўқувчига 65 нафар ўқитувчи, 8 нафар ишлаб чиқариш усталари билим ва тарбия бериб, касб-ҳунар сирларини ўргатишяпти.

— Тумандаги «Агромашсервис» масъулияти чекланган жамияти, электр тармоқлари жамияти, ветеринария, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари билан ҳамкорлигимиз ўқувчиларнинг билимларини амалиёт билан боғлашда катта аҳамият касб этмоқда, — дейди коллеж директори Шуҳрат Турдиев. — Негаки, бу жамоаларда тажрибали мутахассислар фаолият юритади. Бу ҳамкорликнинг яна бир самараси шундаки, битирувчиларни ушбу корхоналар ишга таклиф этмоқда. Уларнинг кўплари касблари бўйича ишлаяптилар.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ**

Бухоро вилояти

Ғаллакорларимиз томонидан етиштирилган ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб олиш дон қабул қилиш масканлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

# МАВСУМГА ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК

"Бухородонмаҳсулотлари" очиқ акциядорлик жамияти жорий йилда Ғиждувон, Ромитан, Пешку, Шофиркон, Вобкент, Бухоро туманлари ва Бухоро шаҳридаги 1689 та фермер хўжалигида етиштирилаётган ғалла ҳосилини қабул қилади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қабул қилинадиган дон миқдори вилоят қабул масканларига етказиб бериладиган жами доннинг 70 фоиздан ортиғини ташкил этади.

Шу боис, жамиятга қарашли 9 та дон қабул қилиш маскани ва корхона бош элеваторида тайёргарлик ишлари олиб борилди. Омборхона, тарозихона, таҳлилхона жиҳозлари таъмирланди. Шунингдек, масканларда тегишли тартибда ёнғинга қарши хавфсизлик чоралари кўрилди.

Бу йилги мавсум арафасида жамият томонидан Вобкент туманида жойлашган Ином Наимов номли уруғлик дон қабул қилиш масканида олиб борилаётган қайта жиҳозлаш ишларини алоҳида тилга олиш жоиз. Айни пайтда жамият ҳисобидан ажратилган 1 миллиард 620 миллион сўм маблағ эвазига Германиянинг "Петкус" компаниясида ишлаб чиқарилган янги ускуналар харид қилиниб, уни ўрнатиш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Ушбу ускуналар мавсум давомида 18 минг тоннагача уруғлик донни юқори даражада тозалаш ва саралаш имкониятига эга.

Тайёргарлик ишлари жорий мавсумни юқори даражада ўтказиш ва сифатли уруғлик тайёрлашда қўл келади.

**Лазизбек РАМАЗОНОВ,**
**"Бухородонмаҳсулотлари" ОАЖ бош муҳандиси.**

Хоразм вилояти

# «ҚЎШҚАТОР АФЗАЛЛИКЛАРИНИ ҲИС ҚИЛДИК»

## *Хоразмда бу усулдан фойдаланишга ўтган фермерларнинг сони аввалги йилдагидан икки баравар кўпайди*

**Воҳанинг ўзига хос тупроғи ва мураккаб иқлим шароитида пахтадан юқори ҳосил олиш деҳқонлардан омилкорлик билан меҳнат қилиш баробарида янгиликларни қўллаш, тажрибаларга таяниб иш тутишни тақозо этади. Қўшқаторлаб чигит экиш ўз афзалликлари билан дала меҳнаткашларига маъқул келаётганлиги боис амалдаги йилда пахта етиштириладиган 93,8 минг гектар майдоннинг 58,3 минг гектарига (62 фоиз) уруғ ана шу усулда қадалди. 2011 йилда мазкур усулда экилган 26 минг гектар майдоннинг бир йил ичида 2 баравардан зиёд кенгайгани ва қўшқатор усулида уруғ экиш истагида бўлаётган фермерлар сафи ортиб бориши унинг афзалликларини намоён қилмоқда. Қуйида сиз мутахассислар ва фермерларнинг бу ҳақдаги фикрлари билан танишасиз:**

**Равшанбек КАРИМОВ — Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Хоразм филиали директори:**

— Ҳақиқатан ҳам чигитни 60х30 схемасида қўшқаторлаб экиш бизнинг шароитимизда ўз афзалликларини амалда исботлаб келмоқда. Бундан 6 йил муқаддам бу янгиликни қўллаган ва ҳар йили кўплаб майдонларда шу усулда чигит экиб келаётган гурланликларнинг юқори ҳосил етиштириб, вилоятимиз пахтакорларига карвонбошилик қилаётгани фикримиз далилидир. Қўшқаторлаб экишнинг афзалликлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, у шўрланиш даражаси юқори бўлган бизнинг ҳудуд шароитида тўлиқ гектарлар ташкил қилишда катта аҳамият касб этади. Қўшқатор усулда чигит экилганда бевосита пахта етиштириладиган майдон 60 сантиметрлик экиш схемасига қараганда ҳар бир гектар ҳисобига 5556 погонметрга кўпаяди. Шу нуқтаи назардан фикр юритилганда 60 минг гектар ҳисобига қўшимча равишда 20 минг гектар майдонга чигит экилганлигини англатади. Чунки унда ғўзалар туп сонлари оддий усулда экилганига қараганда, 1,3-1,5 маротаба кўп бўлади.

60 минг гектар майдонга қўшқатор усулда чигит экилиши ҳисобига ҳар гектаридан кам деганда, 5 центнердан қўшимча ҳосил олинганда ҳам 30 минг тонна пахта хомашёси яратилади.

Чигит қўшқатор экилганда ниҳоллар ораларига ишлов беришда техникалардан унумли фойдаланиш, қўшқаторнинг 30 сантиметрлик оралиғига минерал ўғитлар берилиши ва қуёш нурларидан ҳамда сувдан самарали фойдаланиш ҳисобига эртаги ва юқори ҳосил олиш имконияти яратилади. Бу йил чигитни қўшқаторлаб экишда 577 та сеялкадан унумли фойдаланилди. Шунинг 268 таси янги сеялкалардир. Натижада чигит экиш мавсуми мақбул муддатларда тугалланиб, ниҳоллар тўлиқ униб чиқди. Биз чигитни қўшқаторлаб экувчи фермерларга синовдан ўтган "Меҳнат", "Хоразм-127", "Ибрат" каби навларни тавсия қилганлигимиз ижобий натижаларни кўрсатди.

**Бахтиёр ХОЛИМБЕТОВ — Гурлан туманидаги "Истиқлол — самар" фермер хўжалиги раҳбари:**

— Қўшқатордан фойдаланиш туманимиз "оқ олтин" хирмонининг сарбаландлигини таъминлаб келаётган омиллардан бири, десак янглишмаган бўламиз. Бундан 6 йил аввал айрим фермер хўжаликлари томонидан қўлланилган бу усул илк йиллардаёқ ўз самарасини кўрсатди. Бугунга келиб, туманимизда 260 та пахта етиштирувчи фермер хўжалигининг 207 таси чигитни қўшқаторлаб экувчилар сафидан ўрин олганлиги уни шароитимизга мослигини кўрсатмоқда. Ўтган йили 7,5 минг гектар далага чигит шу усулда қадалган бўлса, бу йил 9360 гектар, яъни туманимиз пахта майдонининг 80 фоизига экилди. Фақат уруғлик етиштирувчи хўжаликларгина 60 сантиметрлик схемадан фойдаланишади.

Олий маълумотли мутахассис, маълум тажрибага эга бўлган деҳқон сифатида шуни айтишим мумкинки, чигит қўшқаторлаб экилган майдонлардаги ниҳоллар парваришида агротехник қоидаларга тўла риоя қилиш мўл ҳосил олишнинг асосий гаровидир. Тупроқ унумдорлиги юқори бўлган далаларнинг 1 погонметрида шахмат усулида 11 та соғлом ниҳол қолдириш мақсадга мувофиқдир. Агар шундай қилинса, бир гектар майдонда 122000 туп кўчат бўлиши таъминланади. Бунда намликнинг етарли бўлишига эътибор қаратиш лозим. Минерал ўғитларни меъёрида ва муддатида бериш муҳим агротехник тадбирлардан саналади. Культивация вақтида азотли, фосфорли, калийли ўғитларни белгиланган миқдорда бериш ва культиватор ишчи қисмларининг барчаси тўлиқ ишлатишга эришилса ва бутун парвариш даврида тажрибаларга таяниб иш кўрилса, пахтадан кўзланган ҳосил олинади.

Ўтган йили "Нажмиддин хўжа", "Гужум қалъа", "Муҳандис" фермер хўжаликларида ҳар гектар ҳисобига 50 центнердан ошириб хирмон кўтарилди. Амалдаги йилда фермер хўжалигимиз ихтиёридаги 60 гектар пахта майдонининг барчасига чигит қўшқатор усулида экилди. Айни кунларда ҳосилдорликни 55 центнерга етказиш учун парваришни кучайтирмоқдамиз.

**Абдулла СОЛИЕВ — Ҳазорасп туманидаги "Солий бобо — Санжарбек" фермер хўжалиги раҳбари:**

— Янгиликни ҳамма ҳам бирдай қабул қилавермайди. Бир қатор фермер хўжаликлари раҳбарлари қўшқаторлаб экишнинг афзалликларини кечроқ тушуниб етди. 2011 йилда фермер хўжалигимиз бўйича пахта учун ажратилган майдонларнинг барчасига — 34 гектарига чигитни мазкур усулда экиб, сал кам 120 тонна юқори навли хомашё сотдик. 30 центнерлик шартномавий режамиз ортиғи билан уддаланди. Агар ғўза ғовлатиб юборилмаса, ҳар бир тупдаги шохлар сони 11-12 тага етганда чеканка ўтказилса ва культивация қоидаларга биноан ўтказилса ҳамда зарарли ҳашаротлар пайдо бўлишига йўл қўйилмаса, ҳар бир гектар майдон ҳисобига 45-50 центнердан ҳосил олиш мумкин. Жамоамиз аъзолари билан ана шундай маррага етишишга ҳаракат қилмоқдамиз.

**Суҳбатдош:**
**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Навоий вилояти

▼«УМИД НИҲОЛЛАРИ – 2012»

# МУСОБАҚАЛАР ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

**НАВОИЙ ШАҲРИДА ДАВОМ ЭТАЁТГАН УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ "УМИД НИҲОЛЛАРИ – 2012" СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ФИНАЛ БОСҚИЧИДА ЕНГИЛ АТЛЕТИКА ВА СУЗИШ БЎЙИЧА ДАСТЛАБКИ МЕДАЛЛАР СОҲИБЛАРИ МАЪЛУМ БЎЛДИ.**

"Ёшлар" спорт мажмуасида ўтказилаётган енгил атлетика беллашувларида ўсмирлар ва қизлар турли масофаларга югуриш, уч ҳатлаб сакраш, баландликка сакраш, аралаш эстафета бўйича ўзаро рақобатлашди. Ўсмирлар ўртасида уч ҳатлаб сакраш бўйича энг яхши натижани қайд этган пойтахтлик Темур Хуснулин, баландликка сакрашда сирдарёлик Руслан Курмаев, турли масофаларга югуришда самарқандлик Ғолиб Тоҳиржонов, навоийлик Шоҳруҳмирзо Мухторов, андижонлик Анвар Сафаров шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Қизлар ўртасидаги уч ҳатлаб сакраш ва баландликка сакраш баҳслари тошкентлик Ирина Белова ҳамда Тошкент вилояти вакиласи Анна Тян ғалабаси билан якунланди. Югуришда эса наманганлик Дилноза Раҳмонова, самарқандлик Маржона Оққўзиева, пойтахтлик Лилия Манасипова, жиззахлик Лидия Петрова, сирдарёлик Наиля Ҳазратқулова "Умид ниҳоллари – 2012" мусобақаси ғолиби бўлди.

Аралаш эстафетада олтин медаль Навоий вилояти терма жамоасига насиб этган бўлса, Тошкент ва Хоразм вилоятлари енгил атлетикачилари кучли учликдан жой эгаллади.



– Мен вилоятимиз терма жамоаси ҳисобига олтин медаль қўшганимдан жуда хурсандман, – дейди "Умид ниҳоллари – 2012"спорт ўйинлари ғолибаси наманганлик Дилноза Раҳмонова. – Мусобақалар юқори савияда, кескин кураш руҳида ўтмоқда. Бу ерда кўплаб дўстлар орттирмоқдамиз. Мактаб ўқувчиларининг ушбу йирик спорт анжумани биз, ёшлар учун спорт чўққиларини забт этишимизда ўзига хос парвоз майдони бўлиб хизмат қилади. Келажакда "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт ўйинларида ҳам қатнашиш орзусидаман.



"Дельфин" сув ҳавзасидаги сузиш баҳслари ҳам рекордларга бой бўлди. Айниқса, Тошкент шаҳри, Навоий ва Андижон вилоятлари спортчилари юқори натижалар қайд этди. Турли масофаларга ҳар хил усулда сузиш бўйича ўтган беллашувларда пойтахтлик Артём Пухнатий, Ксения Фомичёва, навоийлик Алёна Васильева, Баҳодир Эгамов, андижонлик Рената Тухсинова маррага биринчи бўлиб етиб келди.

– Беллашувлар қизғин давом этмоқда, – дейди сузиш бўйича Навоий вилояти терма жамоаси аъзоси, "Умид ниҳоллари – 2012" спорт ўйинлари олтин ва кумуш медаллари соҳиби Баҳодир Эгамов. – Ўзбекистон ёшларининг дўстлик, спорт ва нафосат байрамига айланган ушбу мусобақаларда қўлга киритган совринларим мен учун ғоят қадрлидир. Мен ўзим сузиш сир-асрорларини бугунги баҳсларга мезбонлик қилаётган "Дельфин" сув ҳавзасида ўрганганман. Ушбу мусобақалар муносабати билан янгича қиёфа касб этган мазкур спорт иншоотидан ҳали кўплаб чемпионлар етишиб чиқишига ишонаман.

Эркин сузиш бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида 4x50 метр масофага ўтказилган эстафета баҳсларида Тошкент шаҳри терма жамоаси бир жуфт олтин медалга сазовор бўлди.

Баскетбол бўйича қизлар мусобақасида Қорақалпоғистон Республикаси ўқувчилари наманганлик спортчиларни 40:31, ўсмирлар баҳсида навоийлик спортчилар фарғоналикларни 39:17 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Волейболчи қизлар баҳсида навоийликлар Тошкент шаҳри терма жамоасини 3:0 ҳисобида енгди. Қўл тўпи бўйича андижонлик қизлар хоразмлик дугоналарини 12:8 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ўсмирлар баҳсида пойтахтлик қўл тўпи спорти усталари хоразмликлардан 28:18 ҳисобида устун келди. Самарқандлик футболчилар Жиззах вилояти ўқувчилари дарвозасига жавобсиз битта тўп киритди.

Мусобақалар қизғин давом этмоқда.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, Ёркул УМАРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**
*Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.*

Сурхондарё вилояти

# МАКТАБДА ИЖОДКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

**Сурхондарё вилоятидаги бир қатор таълим муассасаларида таниқли шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Сариосиё туманидаги 45-умумтаълим мактабида бўлиб ўтди.**



Учрашувда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири С.Саййид, Сариосиё тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Шарофуддинова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими раҳбари М.Алламуродов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида адабиёт ва санъатни ривожлантириш, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг онги ва тафаккурида миллий ғоя ва қадриятларни юксалтириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг самаралари хусусида атрофлича сўз юритдилар.

Мазкур дастур доирасида ушбу умумтаълим мактаби ҳам капитал таъмирланиб, янги қиёфага эга бўлди. Олис қишлоқдаги бу таълим муассасасида ёш авлоднинг чуқур билим олиши, ўқиб-изланиши учун барча шароит яратилиб, замонавий усулда жиҳозланди. Компьютер ускуналари, ўқув қуроллари ва қўлланмалар, болалар спорти жиҳозлари ва мебеллар билан тўлиқ таъминланди.

Айни пайтда барча қулайликларга эга ушбу замонавий мактабда уч юз нафардан ортиқ ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Улар спорт мусобақалари, фан олимпиадалари ва турли кўрик-танловларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритаётир. Бу ерда "Ниҳол" бадиий ҳаваскорлик тўгараги, қарийб 4,5 минг китоб фондига эга кутубхона фаолият кўрсатмоқда.

Жорий йилда мактабни 56 нафар ўғил-қиз битиради. Уларнинг келгусида қайси академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни давом эттириши олдиндан аниқланди. Бу борада ўтказилган сўровномада иштирок этган ота-оналар ва ўқувчиларнинг хоҳиш-истаги асосида ҳужжатлар тўплами тахт қилиб қўйилди. Ёшлар танлаган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси ва йўналишлар бўйича маълумотлар берилди.

Тадбирда шоир Сирожиддин Саййид ўзи таълим-тарбия олган мазкур мактаб кутубхонасига янги нашр этилган тўпламлари ва шахсий кутубхонасидан бадиий ва тарихий китоблар, альбом ва журналларни туҳфа этди.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**




## Осмонўпар телеминора

**Японияда дунёдаги энг баланд телеминора «Tokyo Skytree» иш бошлади.**



Қарийб тўрт йил давомида барпо этилган ушбу телеминоранинг баландлиги 634 метрни ташкил қилади. Унда савдо маркази ва стадион ҳам мавжуд. Шунингдек, сайёҳлар шаҳарни 350-450 баландликда туриб томоша қилишлари мумкин. «Токионинг осмонўпар дарахти» Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олди.

Жорий йилда 32 миллион киши ташриф буюриши тахмин қилинаётган мазкур осмонўпар бино Токиода 1958 йилда бунёд этилган эски минора ўрнига қурилди.

## Бекатда чекиш тақиқланди

**Финляндияда транспорт воситалари ва бекатларда чекишни тақиқловчи қонун қабул қилинди.**



Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, мазкур қонун ҳайдовчи ва йўловчиларга бирдек тааллуқлидир. Қонун ижросини полиция ва соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари назорат қилиб боради. Хабарларга қараганда, 2015 йилга бориб мамлакатда тамаки савдосига бутунлай чек қўйилиши мумкин.

Қатор мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатяптики, чекишнинг тақиқланиши натижасида аҳоли орасида юрак хасталиги ўн бир фоиз камайган.

## Энг катта экранли телевизор

**Жанубий Кореянинг LG компанияси дунёда энг катта экранли 3D-телевизор ишлаб чиқара бошлади.**




Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, мазкур "Ultra Definition" телевизорининг диагонали 84 дюймга, аниқлиги эса 3840x2160 пикселга тенг. У тасвирни бошқа турдаги телевизорларга нисбатан тиниқ кўрсатади ва электр энергиясини кўпроқ тежайди. Жорий йилда мазкур маҳсулотнинг сотувга қўйилиши режалаштирилган.

## Фойдасидан зарари кўп

**АҚШ олимлари антибиотик препаратлар юрак-қон томир касалликларига чалиниш хавфини оширади, деб таъкидламоқда.**



Беморлар ўртасида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, антибиотик – азитромицин қабул қилган элликка яқин одам ҳаётдан кўз юмган, икки юздан зиёдида юрак-қон томир хасталиги ривожланган. Вандербильт университети профессори Вайн Рейнинг айтишича, таъсир кучи юқори бўлган мазкур антибиотикни беморларга буюриш қатъиян ман этилади.

## Ван Гогнинг илк асари

**Амстердамдаги Ван Гог музейи коллекцияси яна бир ноёб асар билан бойиди.**

Машҳур мўйқалам соҳиби Ван Гогнинг илк асари бўлмиш «Кесилган мажнунтол» акварели 1882 йилда чизилган. Қарийб бир ярим асрга тенг Ван Гогнинг ушбу асарини музей жорий йилда Лондондаги кимошди савдосида 2,05 миллион АҚШ долларига сотиб олди.

## Сариқ ёмғир қурбақаси

**Панама ғарбидаги тоғли ҳудудлардан зоологлар янги турдаги антиқа кўринишли қурбақани аниқладилар.**



Ёрқин сариқ рангдаги бу жонивор «Diasporus citrinobapheus» деб номланади. Бу антиқа «сариқ ёмғир қурбақаси»нинг катталиги икки сантиметрдан ошади.

Мутахассисларнинг фикрича, бундай ёрқин рангли митти қурбақа танасидаги шилимшиқ заҳарли модда сув ва қуруқликда яшовчи бундай жонзотларнинг ҳимояланиш воситаси саналади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР




ООО «Uz CLAAS Service» Германиянинг юқори унумли қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқарувчи «CLAAS» концерни Ўзбекистонда сервис хизмати кўрсатувчи расмий тизимини ҳамда оригинал эҳтиёт қисмлар етказиб бериш учун «CLAAS» концерни номидан «Uz CLAAS Service» масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилди.

*Сифатли сервис хизмати ва оригинал эҳтиёт қисмлар учун жамиятнинг бош офисига қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:*

Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли, 45. (мўлжал: Янгиобод бозори)
Тел.: (8-371) 230-93-77, (8-371) 230-93-74 Моб.: (8-598) 368-93-77
service@uzclaasservice.uz, info@uzclaasservice.uz

БИЗ СИЗНИНГ ТЕХНИКАНГИЗ ДОИМИЙ ХИЗМАТ ҚИЛИШИ ТАРАФДОРИМИЗ!



ПРЕССПОДБОРШИК КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

«Agtech Agri» шуъба корхонаси Тошкент шаҳридаги омборхонадан Италияда ишлаб чиқарилган хашак, сомон йиғиш (прессподборшик) техникасини таклиф этади.




Шунингдек, John Deere компаниясининг барча турдаги қишлоқ хўжалик техникалари ҳамда JCB (Англия) компаниясининг экскаватор, экскаватор-погрузчик ва йўл-қурилиш техникалари етказиб берилади.

Манзил: Тошкент ш. Навоий кўчаси, 3/75.
Телефонлар: (+99871) 244-69-79, (+99871) 241-02-29.
E-mail: info@agtec.eu www.agtech-agri.uz

Хизматлар лицензияга эга.

АГРОМАШ

ЧЕТ ЭЛ КОРХОНАСИ МЧЖ «АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ»

ТАКЛИФ ЭТАДИ:



АГРОМАШ ВТ-90, ВТ-150 ТОИФАСИДАГИ ЗАНЖИРЛИ ТРАКТОРЛАР;
АГРОМАШ 30-ТК, 50-ТК, 60-ТК, 85-ТК УНИВЕРСАЛ ЕР-ҲАЙДОВ ТРАКТОРЛАР;
ЗАНЖИРЛАР ВА БОШҚА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР, СЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИ

Тошкент ш., Ниёзбек Йўли кўчаси, 1. Тел.: + 998 71 120 96 11; +998 71 120 96 12;
Факс: +998 71 234 89 88; E-mail: info@chetra-tashkent.ru Сайт: www.chetra-tashkent.ru

Утерянный план дома, расположенного по адресу: Ташкентская обл. Урта-Чирчикский р-н с/с Бектемир ул. Навоий д. 26, выданный Урта-Чирчикским БТИ на имя Безносовой Беллы Хоневны, считать недействительным.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти томонидан 1988 й.да Зарипов Бақо Курбонович номига берилган ЗВ № 854377 (рег. № 397) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"FAYZLI OQDARYO" МЧЖ Устав фонди 50 000 000 сўмдан 2 700 000 сўмга камайтирилганлигини маълум қилади. Даъволар учун тел.: 119-00-44.

Утерянный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Мирабадский р-н массив Куйлюк-2 д. 3 кв-ра 74, выданный Мирабадским БТИ на имя Ташева Гайбулло Садуллаевича, считать недействительным.

Утерянное Свидетельство о гос. регистрации СП ООО "UZBEGIM-INTERNATIONAL Co Ltd" (№ 603 от 14.12.2000 г.), выданное Министерством Юстиции Республики Узбекистан, считать недействительным.

Негосударственный некоммерческий Общественный фонд "APAGA" (ИНН 206102511), зарегистрированное в Министерстве Юстиции РУз (13.01.2006 г., № 1/1/492), расположенное по адресу: М.Улугбекский р-н площадь Х.Алимджана, ликвидируется (протокол собрания Попечительского Совета № 17/04 от 17.04.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 803-82-72.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (8-361) 352-54-58; Андижон – (8-374) 970-99-13; Бухоро – (8-365) 593-27-57; Жиззах – (8-372) 366-61-16; Наманган – (8-369) 562-19-59; Фарғона – (+998-91) 137-06-83; Самарқанд – (+998-97) 756-68-27; Сирдарё – (8-367) 588-06-89; Тошкент – (+998-97) 800-29-61; Хоразм – (8-362) 520-69-14; Қашқадарё – (8-375) 229-17-29.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи муҳаррир: М.ҒАФУРОВ
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-514, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.10
22573 нусхада босилди. Нашр индекси — 144
Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
2 3 4 5